

10-10-2019

EFFICIENCY OF APPLYING ALGORYTHMIC EXERCISES IN TEACHING MOTHER TONGUE

Mukaddas Yoqubjanovna Turaboyeva
Namangan state university

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Turaboyeva, Mukaddas Yoqubjanovna (2019) "EFFICIENCY OF APPLYING ALGORYTHMIC EXERCISES IN TEACHING MOTHER TONGUE," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 10 , Article 65.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss10/65>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

EFFICIENCY OF APPLYING ALGORYTHMIC EXERCISES IN TEACHING MOTHER TONGUE

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

АЛГОРИТМИК МАШҚЛАРНИ ОНА ТИЛИ ТАЪЛИМИГА ТАТБИҚ ҚИЛИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

Тўрабоева Муқаддас Ёқубжановна
Наманган давлат университети

Аннотация: Ушбу мақолада алгоритмик машқ тизимини тузиш жараёни ўзига хос эканлиги ва алгоритмик машқни тузиш воситалари, алгоритмик машқ тизими она тилидан ўрганилаётган мавзунинг мазмуни, қурилишига мос бўлиши, унда алгоритмик машқнинг барча турлари берилиши. Шунингдек, ўқувчиларнинг ўқиш-ўрганишга қизиқишларини оширишда алгоритмик машқларни она тилига тадбиқ қилишнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: алгоритмик машқ, топшириқ, мустақил фикрлаш, тил таълими, ақлий фаолият, бошланғич синф, она тили, нутқ, ёзма нутқ, мантиқий фикрлаш, тушунча, сўз устида ишлаш.

ЭФФЕКТИВНОСТЬ ВНЕДРЕНИЯ АЛГОРИТМИЧЕСКИХ УПРАЖНЕНИЙ В ОБУЧЕНИЕ РОДНОГО ЯЗЫКА

Турабоева Муқаддас Ёқубжановна
Наманганский государственный университет

Аннотация. В данной статье речь идет об особенностях составления алгоритмических упражнений, о соответствии содержания, средств и видов алгоритмических упражнений при обучении родному языку. А также в статье особо подчеркивается роль алгоритмических упражнений в повышении познавательной деятельности обучающихся.

Кочевые слова: алгоритмическое упражнение, задание, критическое мышление, языковое обучение, умственная деятельность, начальная школа, родной язык, речи, письменная речь, логическое мышление, понятие, работа над словом.

EFFICIENCY OF APPLYING ALGORITHMIC EXERCISES IN TEACHING MOTHER TONGUE

Turaboyeva Mukaddas Yoqubjanovna
Namangan state university

Abstract: In this article it is talked about characteristics of making up algorithmic exercises, about suitability of the content, about types of algorithmic exercises in teaching mother tongue. Besides, the role of algorithmic exercises in improving cognitive skills of students is emphasized in the article.

Key words: algorithmic exercises, task, analytic thinking, teaching languages, cognitive skills, primary school, mother tongue, speeches, written speech, logic thinking, conception, work on 'word'.

Бугунги кунда жамият аъзолари олдига қўйилган улкан мақсадларга эришиш учун учун давр талабларига жавоб бера оладиган зукко, маърифатли, инсонпарвар, мустақил фикрлайдиган ёшларни тарбиялаш зарурати вужудга келди. Бу зарурат, ўз навбатида, шахс жамият ҳаётида рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни англаши, чуқур идрок қилишни талаб қилмоқда. Чунки ёш авлоднинг маънавий қиёфасини жамият ҳаёти, унда рўй бераётган ўзгаришлар воқеликлар белгилайди. Бу каби ислохотларни муваффиқиятли амалга оширишнинг ягона йўли бошланғич синфларда ўқитиш жараёнини тубдан ўзгартиришимиз лозим. Бошланғич синфларда она тили етакчи ўқув предмети эканлигини ҳеч ким инкор этмаса керак. Негаки, таълимни ташкил қилиш жараёни бевосита саводли ўқий оладиган, ёза оладиган болалар билан осон кечишини ҳамма билади.

Она тили таълимини мақсадга мувофиқ ташкил этиш бўйича ўқув дастурида қуйидаги қоидалар ўз ифодасини топган: “Бошланғич синф она тили таълими дастурида ўқувчиларда нутқ фаолиятининг асосий турларини ўстириш билан бир қаторда қуйидаги муҳим масалаларни ҳал этиш кўзда тутилади:

- болаларда ахлоқий ва эстетик тасаввурларни шакллантириш;
- болаларга атроф-муҳит, кишилар, табиат ва жамият ҳақида тушунча бериш;
- нафосат ҳиссини тарбиялаш;
- мантиқий тафаккур юритишга ўргатиш;
- болаларда онгли ўқиш, ўқиганларини равон гапириш ва ёзишга ўргатишдан иборат [1, 71-72].

Бошланғич синфларда ўқувчиларнинг она тилини ўзлаштириш имкониятлари анча чегараланган бўлади. Улар тил ҳодисаларини ўзлаштириш учун ўта муҳим бўлган ақлий фаолият усуллари: таҳлил қилиш, кузатиш, таққослаш, гуруҳлаш, бирлаштириш, умумлаштириш сингариларидан самарали фойдалана олмайдилар. Бошланғич синф ўқувчиларининг ўзига хос хусусиятларидан бири, уларда аниқ нарсаларни тез идрок этиш, аниқ нарсалар хусусида фикрлай олиш кўникмаларининг шаклланганлигидир.

Ақлий фаолиятнинг бу муҳим усулига таянмай туриб, тил ҳодисаларини ўзлаштириб бўлмайди. Кузатиш орқали ўқувчи тил ҳодисаларини бирма -бир ақлий фаолият чиғириғидан ўтказди, улар ҳақида ўйлайди ва шу асосда муайян умумлашмалар ҳосил қилади.

Маълумки, бугунги таълим жараёнининг асосий мақсади ўқувчининг микросоциумда муносиб ўрин топишига тайёрлашдан иборат. Аммо шунга қарамасдан, фан мутахассислари, шунингдек, мактаб ўқитувчилари орасида “машқ” ва “топшириқ”, “репродуктив характердаги машқ” билан “ижодий машқ”ни, “ижодий машқ” билан “алгоритмик машқлар” ўртасидаги тафовутларни ажратишда айрим камчиликларга йўл қўйилаётганлиги сир эмас. Шундан бўлса керак, ўқувчиларга бериладиган топшириқларнинг хусусиятлари тўла очиб берилмайди. Ҳақиқатдан ҳам синфда бажариладиган топшириқларнинг барчаси репродуктив характерда эканлиги кишини ажаблантиради. Бундай мураккаб ҳолатдан чиқиб кетишнинг асосий йўллари билан бири “машқ”ларнинг ўзига хос

хусусиятларини тўғри чегаралай олиш, ҳар бир машқ турини бажариш усулиётини аниқ билиш, уларни бир-биридан ажрата олиш, ўқувчи фаолиятидаги аҳамиятини алоҳида таснифлаб кўрсатишдир. Яна бир мунозарали муаммо ижодий машқ ва алгоритмик машқни бир-биридан фарқлаш масаласидир. Бу иккала машқнинг фарқларини аниқ чегараламасдан туриб, алгоритмик машқлар устида ишлаш ҳақида фикр юритиб бўлмайди. Шундай экан, ўқувчиларнинг тафаккури билан билиш фаолияти хусусиятларини тизимли таҳлил қилишни тақозо қилади. Билиш фаолияти нуқул тафаккурнинг ишими ёки билиш жараёнида хотира ҳам иштирок этадими? Бундан кўринадики, бошланғич синф она тили таълимида алгоритмик машқлар устида ишлаш ўта мураккаб методик ҳодиса саналади.

Алгоритмлаштирилган таълимнинг ўзига хос хусусиятларидан бири ўқув материали турли алгоритмларга ажратилади.

“Алгоритм” атамасига Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида шундай таъриф берилган. “Алгоритм” тушунчаси кибернетика фанига хос бўлиб, унда маълум турга оид масалаларни ечишда ишлатиладиган амалларнинг муайян тартибда бажарилиши ҳақидаги аниқ дастур (қоида)[7, 735]. Демак, юқоридаги қоидага таянган ҳолда ҳамда она тили таълимининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, шундай ишчи таъриф берамиз: “Ўқувчининг тафаккурига мўлжалланган кетма-кетлик асосида турли конструкцияларни қайта тузиш ва бирлаштиришга мўлжалланган ҳамда нутқ малакалари ва мантиқий фикрлашни ўстиришга мўлжалланган машқ”. Бизнингча, алгоритмик машқлар ўқувчиларда турли кўриниш (кроссворд, ребус, диаграмма, жадвал ва матн яратиш билан боғлиқ)даги топшириқларни тўғри тузишга мўлжалланганлиги билан тавсифланади.

Алгоритмик машқлар тизимини тузиш ўзига хос конструктив жараён бўлиб, унинг боришида таълим жараёнининг иштирокчилари-ўқитувчи ва ўқувчининг фаолияти лойиҳаланади. Таълимнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан тузилган лойиҳа ва уни оғишмай амалга оширишга боғлиқ. Шундай бўлгач, алгоритмик машқни тизимга келтириш жараёнини алоҳида ажратиб, таҳлил қилишга эҳтиёж туғилади. Алгоритмик машқ тизимини тузиш жараёни ўзига хос таркибга эга: алгоритмик машқни тизимга келтиришга оид фаолият. Бундай фаолиятни ўқитувчи ёки дарслик муаллифи амалга оширади; алгоритмик машқни тузиш воситалари. Ўқитувчи ёки дарслик муаллифининг алгоритмик машқга оид билимлари, унинг алгоритмик машқ тузиш соҳасида орттирган тажрибаси, малакалари; алгоритмик машқни тузиш пайтида бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтадиган ўқув материали фаолият предмети ишини бажаради. Ўқитувчининг таъсирида ўқув материали алгоритмик машқга айланади. Лойиҳалаш жараёнларида ўқув материалида юз берадиган барча ўзгаришлар алгоритмик машқ тизимида қайд этилади.

Фикримизга алгоритмлаштирилган таълим хусусиятидан келиб чиқиб, ойдинлик киритсак мақсадга мувофиқ бўлади. Жумладан, алгоритмлаштирилган таълим, аввало, ўқувчининг тафаккурига мўлжаллаб ташкил қилинади. Алгоритмлаштирилган таълимда ўқувчи фаол иштирок этади. Бунда ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти қуйидагича амал қилади: ўқитувчи томонидан тузилган саволлар

турли алгоритм кўринишига келтирилади (1), алгоритмлар муаммо тарзида ўқувчиларга берилади (2); ўқувчиларга берилган вазифалар юзасидан ўз фикрини баён этиш, муаммони ечиш йўллари таклиф этилади (3); ўқитувчи ўқувчиларга берилган муаммонинг тўғри ечимини танлашни сўрайди (4); ўқувчилар айтилган фикрларга таянган ҳолда хулоса чиқаришга ҳаракат қилади (5); ўқитувчи болалар билан чиқарилган хулосани муҳокама қилади (6); ўқитувчи чиқарилган хулосани тўлдиради, изоҳлайди, бойитади (7); ўқитувчи чиқарилган хулосани турли ўқув ҳолатларига татбиқ этишни таклиф этади (8). Юқорида келтирилган босқичлар асосида кетма-кет фаолият ташкил этилади. Ушбу фаолият алгоритмлаштирилган таълим шаклида амал қилади.

Ўз-ўзидан аён бўладики, бошланғич синф она тили таълимида алгоритмик машқлар тасодиф туфайли пайдо бўлган эмас. Чунончи, бугунги кунда бошланғич синф она тили дарсликларига берилган алгоритм кўринишидаги машқлар ниҳоятда кўп бўлиб, уларни ишлаш йўллари ҳам бир-биридан фарқ қилади.

Инсоннинг онгли фаолияти, фикрлаши, билимларни ўзлаштириб, такомиллаштириши кенг маънода топшириқлар билан, бизнинг мавзу доирасида ўқув топшириқлари билан узвий боғланган ҳодиса.

Топшириқ инсон фаолиятининг барча жабҳалари–моддий ишлаб чиқариш, фан, фан асослари–ўқув предметларини ўзлаштириш билан алоқадор бўлганидек, ўқувчи фаолиятининг ҳар бир йўналиши–қайта эсга тушириш ва ижод қилиш ҳам, билимларни ўрганиш ва турли ўқув ҳолатларига татбиқ қилиш ҳам, билимларни умумлаштириш ва ўзига ўзи баҳо бериши ҳам ўқув топшириқлари билан чамбарчас боғланган. Шу сабабли топшириқлар таълим мақсади, воситаси сифатида қаралади.

Топшириқлар назариясида «топшириқ», «ўқув топшириғи», «билув топшириғи», «ижодий топшириқ», «амалий топшириқ», «интеллектуал топшириқ», «муаммо» каби қатор атамалар билан ёнма-ён «машқ», «муस्ताқил иш» каби атамалар ҳам қўлланилади. «Ўқув топшириғи» моҳиятини аниқлаш, унга дидактик, методик таъриф бериш учун олдин психология, дидактика, методикада ўқув топшириғи тушунчасига берилган таърифлар тавсифини берамиз, сўнгра юқорида келтирилган тушунчаларнинг барчасини шарҳлаймиз.

О.Розиқовнинг илмий-педагогик тадқиқотларида ўқув топшириғи ўқув материали билан ёнма-ён таҳлил қилинган. Унинг ёзишича, «ўқув топшириғи– бу ўқитиш ва ўқиш эҳтиёжига кўра ўқув материалининг ўзгартирилган шакли» [2, 20]. Бу таърифда ўқув топшириқларининг қатор хусусиятлари қайд этилган. Уларни таълим эҳтиёжига кўра 1) қуриш мумкинлиги; 2) қуриш ва қайта қуриш имкониятининг борлиги; 3) у ўқув материалининг шакли эканлиги; 4) таълим жараёни актлари, босқичларига мослиги; 5) бир топшириқ ўрнида бошқасини қўллаш имкониятининг борлиги; 6) очиқ тизим эканлиги; 7) бир-бирини тўлдириши; 8) билим ва фаолият усуллари ўрганиш ҳамда такомиллаштириш талабларига мослиги; 9) таълим шароитида ўқиш ва ўрганиш эҳтиёжини қондириши тавсифланган [2, 13-17].

«Топшириқларда инсоният тўплаган тажрибалар қайд этилади, шу билан бирга улар моддий ва маънавий бойликларни янгилаш ва янада бойитиш воситаси

саналади. Улардан барча касб эгалари фойдаланишади» [2, 21]. Шу манбада топшириқларни уч гуруҳга ажратиб ўрганиш ғояси асосланган: а) ижтимоий-ишлаб чиқариш топшириқлари. Барча касб эгалари бундай топшириқларни ўз олдига қўйиб, ҳал қилишади. Ижтимоий-ишлаб чиқариш топшириқларини қўйиш йўли билан атрофимизни ўраб олган муҳит, жамият ривожлантирилади; б) илмий билишга оид топшириқлар. Буларни одатда илмий муаммолар деб айтишади. Муаммо саволнинг шундай кўринишики, унинг жавоби фан тўплаган билимлар орасида мавжуд бўлмайди. Фанда энг кичик муаммоларни ечишдан тортиб, дунё аҳамиятига эга топшириқларни ҳал қилиш илмий муаммоларни қўйиш ва бажаришдан иборат. Илмий муаммоларнинг асосий вазифаси табиат, жамият ва онг ҳодисаларини ўрганиб янги билим, фаолият усулларини кашф этишдир; в) ўқув-билув топшириқлари. Бундай топшириқлардан таълим жараёнида қўлланилади. Улар воситасида ўқувчи шахси ривожлантирилади.

Қисқа таҳлилдан кўринадики, «топшириқ» тушунчаси турли манбаларда ишлатилади: С.Л.Рубинштейн «мотив», «мақсад», «шароит», «субъект (топшириқни бажарувчи шахс) ва объект» (бажариладиган вазифа, ечиладиган топшириқ, ҳал қилинадиган муаммо) хусусиятларига асосланиб «топшириқ» тушунчасини баён қилган. Унинг уқтиришича, топшириқ воситасида ўқувчилар фаолияти бошқарилади. Бинобарин, у «топшириқ» атамасини «восита» маъносида таҳлил қилган; А.Н.Леонтьев «эҳтиёж», «мотив», «фаолият» категорияларига риоя қилиб, топшириқ тушунчасига шарҳ берган. У «топшириқ» ва «мақсад» тушунчаларини ёнма-ён таҳлил қилиб, топшириқни маълум шарт асосида берилган «мақсад» деб тушунади; Я.А.Пономарев «топшириқ» тушунчасини «субъект ва объект» тизимида таҳлил қилган. У тизимнинг айна ҳолат «субъект ва объект» тизимининг мавжудлигидан муаммоли ҳолатнинг юзага чиқишини баён қилади. Я.А.Пономарев билимларни шакллантирадиган ҳолат, билимга рағбатлантирадиган ҳолат, билимларни ойдинлаштирадиган ҳолат атамаларини ишлатиб, «топшириқ» тушунчасини «муаммоли ҳолат» контекстига кўчиради; Л.М.Фридман ўқув топшириқларининг дидактик хусусиятларини таҳлил қилиб, уларни ақлий ва амалий топшириқларни бажариш жараёнидаги «тўсиқни» бартараф этиш шаклида қарайди ва уни онгда ҳосил бўлган муаммоли ҳолатнинг нутқ воситасида берилган модели сифатида таҳлил қилади; О.Р.Розиқов «топшириқ» тушунчасини «ўқув материали ва топшириқ» тизимида ўрганиб, таълим жараёнида пайдо бўлган «эҳтиёжни қондириш воситаси» сифатида шарҳлаган. Топшириқ ўқитиш (ўқитувчи фаолияти) ва ўқиш (ўқувчи фаолияти) эҳтиёжларига кўра таълимга татбиқ қилинади. Бундай ёндошиш ўқув топшириғини ўқув материалининг «ўзгартирилган шакли» сифатида қараш имкониятини беради.

Юқоридагилардан маълум бўладики, «топшириқ» жуда кенг, мазмундор ҳодиса бўлиб, камида олти хил маъно англатади: топшириқ – бу

- восита (С.Л.Рубинштейн),
- мақсад (А.Н.Леонтьев),
- муаммоли ҳолат (Я.А.Пономарев),
- таълим воситаси (Н.Ф.Тализина),

- онгда пайдо бўлган тўсиқ (Л.М.Фридман),
- ўқув материалнинг шакли (О.Р.Розиқов).

«Топшириқ» тушунчасининг бу маъноларидан бирортасини ҳам инкор қилиб бўлмайди. Зеро, муаллифларнинг ҳар бири «топшириқ» тушунчасининг маълум бир нуқтаи назарини инобатга олиб, унга таъриф беришган: С.Л.Рубинштейн бу тушунчага ижтимоий тажриба нуқтаи назаридан, А.Н.Леонтьев инсоний мақсадларни амалга ошириш жиҳатидан ёндошган. Я.А.Пономарев муаммоли ҳолат, Н.Ф.Тализина таълим воситаси нуқтаи назаридан топшириққа ёндошган бўлса, Л.М.Фридман топшириқни нутқ (оғзаки ва ёзма нутқ) воситасида қуриш имкониятини, О.Р.Розиқов топшириқни ўқув материални ўзгартириш эҳтиёжини назарда тутган.

Келтирилган қарашларга таяниб, бошланғич синф ўқувчиларига мўлжалланган топшириқлар тизимини асослаш мумкин. Бунинг учун топшириқлар назариясида қўлланадиган асосий тушунчаларнинг маъноларини янада ойдинлаштириш, чегаралашга зарурат туғилади. Шу заруратни ҳисобга олиб асосий тушунчаларга қисқача тавсиф берамиз.

«Топшириқ» атамаси мазмунан бой, кенг тушунча бўлиб, у «вазифа» атамасига адекват категориядир. Топшириқ буйруқ феъли (топшир) сўзидан «-иқ» қўшимчаси воситасида ясалган «от» бўлиб, ижтимоий, фан, таълим-тарбия соҳасида ишлатилади. «Топшириқ» кенг маънода предметни англатгани учун қандайдир объектив реалликни ҳам билдиради. Бинобарин, уни ҳам теварак-атрофимиздаги нарса-ҳодисалар сифатида тасаввур қилиб, таҳлил қилганимиздек, уни туза оламиз, ўзига оид муҳитда (шароитда) ўзгартира оламиз, ўзгаларга буюм-нарса сифатида бера оламиз, унинг ҳаракатини кузата биламиз. Бу хилдаги тасаввур «топшириқ»нинг қуйидагича турларини қайд этиш имконини беради.

1. Ижтимоий топшириқ–жамиятнинг моддий негизини янада ривожлантириш, моддий ишлаб чиқаришни янада такомиллаштиришга мўлжалланган вазифалар. Бу хилдаги топшириқларни барча касб эгалари ўз олдига қўяди, бажаради. Уларни қўйиш ва ҳал қилиш йўли билан жамият ривожлантирилади. Ижтимоий топшириқлар жамият даражасида ўрганилади.

2. Фан соҳасида қўйиладиган топшириқлар. Бундай топшириқларни фан ходимлари ўзи учун белгилаб, уларни бажаради. Улар фан муаммолари саналади. Муаммо шаклида қўйилган саволга жавоб излаш йўли билан фан ва ундан амалий фаолиятда фойдаланиш янада такомиллаштирилади.

3. Таълим-тарбия шароитида қўлланадиган топшириқлар. Барча ўқув предметлари вакиллари бундай топшириқларни таълимга татбиқ қилиб, таълимдан кўзланган мақсадларни амалга оширишади. Ўқитиш ва ўрганиш жараёнларига татбиқ қилиб, ўқувчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси, ижодий фаолият тажрибаси, табиат, жамият, онг ҳодисаларига муносабатини шакллантириб, инсон шахсини ривожлантиришга йўналган топшириқларни «ўқув топшириғи» деб тушунаमиз.

References:

1. Umumiy o'rta ta'limning davlat ta'lim standarti va o'quv dasturi. Boshlang'ich ta'lim. "Ta'lim taraqqiyoti" jurnali. –Toshkent. 1999. 7–maxsus son.–71-135-betlar. Umumiy o'rta ta'limning davlat ta'lim standarti va takomillashtirilgan o'quv dasturi. // "Boshlang'ich ta'lim" jurnali. –Toshkent. 2005. 5-son.
2. Roziqov O.R. O'zbek tilidan dars tiplari. Toshkent, O'qituvchi. 1976.
3. Boshlang'ich ta'lim konsepsiyasi. Tuzuvchilar: Abdullaeva Q.A, Safarova R.F va b. "Boshlang'ich ta'lim" jurnali.1998. 6-son-12-18 betlar.
4. Adizov B.R. Boshlang'ich ta'limni ijodiy tashkil etishning nazariy asoslari. Ped.fanlari. dokt...diss.–T.:2003 .–280 b
5. Bobomurodova A.YA. Ona tili ta'limi jarayonida o'yin topshiriqlaridan foydalanish. Ped.fanl. nomz....diss. T.:1996.–145 b.
6. Dorno I.V. Problemnoe obucheniya v shkole–M.:Prosvetshenie, 1984.–31 s.
7. O'zbekiston Milliy Ensiklopediyasi. 1-tom. «O'zbekiston Milliy Ensiklopediyasi» ilmiy nashriyoti. Toshkent. 2000. –735 b.